



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ АМАЛИЁТИ

*Аллаберганов Сирожали Саҳатович -
Тошкент давлат иқтисодий
университети докторанти*

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a7](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a7)

Аннотация. Ушбу мақолада тижорат банкларининг депозит сиёсати ва уни янада ошириш масалалари бўйича тадқиқот олиб борилган бўлиб, бунда миллий валютадаги депозитлар ва жорий ҳолатдаги маълумотлар таҳлили ёритилган. Шунингдек, тижорат банкларининг депозит сиёсати ва уни самарали амалиётга жорий этиши ҳамда иқтисодий аҳамиятини янада ошириш бўйича амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: депозит, тижорат банклари, депозит сиёсати, молия, тижоратлаштириш, кредит қолдиғи, миллий валюта, пул маблағлари, инфляция даражаси, ресурс базаси.

ПРАКТИКА ПРИВЛЕЧЕНИЯ ВКЛАДОВ В КОММЕРЧЕСКИЕ БАНКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

*Аллаберганов Сирожали Саҳатович -
Докторант Ташкентского государственного
экономического университета*

Аннотация. В данной статье рассматривается депозитная политика коммерческих банков и ее дальнейшее развитие, с анализом депозитов в национальной валюте и текущих данных. Также даны практические рекомендации по депозитной политике коммерческих банков и их реализации на практике, а также по дальнейшему повышению их экономической значимости.

Ключевые слова: депозит, коммерческие банки, депозитная политика, финансы, коммерциализация, кредитовое сальдо, национальная валюта, денежные средства, уровень инфляции, ресурсная база.

PRACTICE OF ATTRACTING DEPOSITS IN COMMERCIAL BANKS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

*Allaberganov Sirojali Saxatovich -
Doctoral student of Tashkent State
University of Economics*

Abstract. This article discusses the deposit policy of commercial banks and its further development, with an analysis of deposits in national currency and current data. Practical recommendations are also given on the deposit policy of commercial banks and their implementation in practice, as well as on further increasing their economic significance.

Keywords: deposit, commercial banks, deposit policy, finance, commercialization, credit balance, national currency, cash, inflation rate, resource base

Кириш. Бугунги кунда банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, мазкур тизимга аҳоли ишончини мустаҳкамлаш, электрон тўлов тизимини кенг қўлаган ҳолда кўрсатилаётган банк хизматларининг тури ва кўламини кенгайтириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Банклар томонидан жалб этилаётган маблағлар ўз таркибига кўра турлича бўлади. Мижозлар билан ишлаш жараёнида жалб этилган маблағлар ва бошқа кредит муассасаларидан қарзга олинган маблағлар асосий турдаги жалб этилаётган маблағлардир.

Депозит жалб қилиш банкларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланиб, депозит амалиёти тижорат банклари ўзларининг бошқа асосий вазифаларини бажаришлари мумкин эмас. Банкларнинг бош мақсади бўлган фойда олишга эришиш истиқболларини белгиловчи, яъни даромад келтирувчи актив амалларни бажариш билан боғлиқ фаолиятларида жалб қилинган ва жамғарилган маблағлар ёки депозитлар муҳим ўрин тутди.

Агар аҳоли бўш пул маблағларини банкларда бежавотир сақлаш кафолатлари мавжудлиги ҳамда топширилган омонатлар бўйича фойзли даромад олишдан манфаатдор бўлса, банклар эса ушбу жалб қилинган маблағлар ҳисобига мижозларга кредитлар бериб ёки лизинг, факторинг, траст, овердрафт ва овернайт каби

жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган хизматларни кўрсатиш орқали фоизли даромадлар олади. Шу йўл билан бўш пул маблағларини банк орқали йиғиш ва иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириш, натижада пул айланиш тезлигини ўстириши эвазига миллий валюта қадрсизланишининг жиловланишига эришиш мумкин. Айнан мана шу омил ҳам депозитларнинг ривожланишида асосий ўрин тутди.

Банклар томонидан жалб қилинган муддатли депозитлар юридик ва жисмоний шахсларнинг шартномада қатъий келишилган муддат ва унда кўрсатилган фоизларни тўлашга доир маблағларидир. Муддатли депозит ҳисобварағи очилганда, жисмоний шахсларга омонат дафтарчалари берилади.

2021 йил мобайнида мижозларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини тубдан яхшилаш, хусусан, омонатларнинг янги ва мижозлар талабларига мос жозибадор турларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Банкларимиз аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатадиган банк хизматлари ичида асосий ўринни депозит операциялари эгаллайди. Банклар томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, замонавий технологиялар асосида қулайликлар яратиш мақсадида амалга оширилиб келинаётган бир қатор чора-тадбирлар ҳам мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз аксини топмоқда.

Тижорат банклари депозит маблағларини сақланиш нуқтаи назаридан қанчалик узоқ муддатга сақлайдиган бўлса, ушбу маблағлар банкнинг рискка тортилган активлари ҳажмини шу даражада ошириш имкониятини беради. Шу боис депозит маблағлари таркибида узоқ муддатли маблағлар улушини ошириш учун тегишли иқтисодий ва сиёсий имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Республикамиз тижорат банкларининг депозит базаси трансакцион депозитлар, муддатли ва жамғарма депозитларини ўз ичига олади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Проф. О.И. Лаврушиннинг фикрига кўра, тижорат банклари ресурсларининг энг барқарор қисми муддатли депозитлар ва жамғарма омонатлари ҳисобланади ва улар қуйидаги муҳим хусусиятларга эгадир [2]:

– ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун фойдаланилмайди ва уларга тўлов ҳужжатлари ёзилмайди;

– муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларидаги маблағларнинг айланиш тезлиги паст;

– қатъий белгиланган фоиз тўланади, Марказий банк зарур ҳолларда фоиз ставкаларининг юқори чегарасини тартибга солиши

мумкин;

– тижорат банкининг депозитни олиш тўғрисида олдиндан огоҳлантириш тартиби мавжуд;

– нисбатан паст мажбурий захира ставкалари қўлланилади.

О.И. Лаврушин томонидан муддатли депозитлар ва жамғарма омонатлари бўйича эътироф этилган хусусиятларга қўшилган ҳолда, яна бир қатор хусусиятларнинг мавжудлигини қайд этмоқчимиз. Жумладан:

– нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасини қисқартириш имконини беради;

– тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар учун гаров таъминоти вазифасини бажариши мумкин, бунинг натижасида кредит қўйилмалари ҳажми ошади, кредит rischi маълум даражада камаяди.

Проф. В.М.Усоскиннинг фикрига кўра, трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш тижорат банкларининг ликвидлигига жиддий зиён етказиши мумкин. Шу сабабли Гласс-Стиголл қонунига асосан 1933 йилда трансакцион депозитларга фоиз тўлашнинг таъқиқланиши оқилона тадбир ҳисобланади. Лекин муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига тижорат банклари томонидан тўланадиган фоиз ставкаларининг юқори чегараси белгиланиши тижорат банкларининг депозит базасига салбий таъсир қилади [3].

С.Вайн томонидан амалга оширилган тадқиқот натижалари кўрсатадики, аҳолининг муддатли омонатлари тижорат банклари ресурс базасини диверсификация қилишнинг бирламчи воситаси ҳисобланади [4]. С.Вайннинг ушбу хулосаси катта ҳажмдаги статистик ва амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги сабабли ишончли ҳисобланади.

И.Фишернинг фикрига кўра, аҳолининг муддатли омонатларини банкларга жалб этишда омонатларнинг дисконтланган қиймати ва уларга ҳисобланган фоизларнинг қиймати ўзгариши муҳим ўрин тутди [5]. У омонатлар бўйича фоизнинг номинал ва реал ставкасини фарқлаб, биринчиси инфляция таъсирида бўлиши, иккинчиси инфляциядан холи этилиши зарурлигини айтиб ўтди. Ф.Мишкиннинг фикрига кўра, аҳолининг пул маблағлари бир қисмини тижорат банкларига депозит сифатида жойлаштириши ёки нақд пул кўринишида сақлаши бевосита банк тизимига бўлган ишончга боғлиқ. У таъкидлайдики, инсонлар бошқа фуқаролар ва ташкилотлардан эмас, балки айнан Федерал захирадан қарз тилхатларини олишни афзал кўришади, чунки ФЗТ банкноталари тан олинган муомала воситаларидир, яъни улар тўлов воситаси сифатида қабул қилинади ва шунинг учун пул сифатида амал қилади. Афсуски, бошқа ҳеч

ким инсонларни унинг қарз тилхатлари у ёзилган қоғоз бўлагидан ортиқ туришига ишонтира олмайди [6].

АҚШлик таниқли иқтисодчи олим Ж.Синкининг хулосасига кўра, аҳолининг пул маблағларини тижорат банкларининг депозит ҳисобрақамларига жалб этишда муддатли жамғарма депозитларининг фоиз ставкалари билан трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғига тўланадиган фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ асосий ўрин тутати [7].

Ж.Синкининг бу илмий хулосаси Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, республикада банкларда мижозларнинг талаб қилиб олинган депозитларининг барқарор қолдиғидан, улар билан келишган ҳолда, ресурс сифатида фойдаланиш амалиёти мавжуд эмас. Балки талаб қилиб олинган депозитлардан мижозларнинг ўзларидан сўрамасдан, ресурс сифатида фойдаланилмоқда. Бу эса банкларнинг ликвидлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтириши мумкин. Фикримизча, В.Уоскин бу ерда ҳақ. Бунинг сабаби шундаки, муддатли ва жамғарма депозитлари фоиз ставкаларининг юқори чегараси белгиланиши тижорат банкларининг депозитлар жалб қилиш имкониятини чеклаб қўйиши мумкин.

А.М.Тавасиевнинг фикрига кўра, аҳоли омонатларини банкларга жалб этиш кўламини кенгайтириш бевосита банк тизимидаги рақобатга боғлиқ [8]. Р.Ольхованинг фикрига кўра, аҳолининг муддатли омонатлари юридик шахсларнинг муддатли депозитларига нисбатан арзонлиги ва банкда узоқроқ муддат сақланиб туриши билан фарқланади [9].

Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар аҳолининг ихтиёридаги вақтинчалик пул маблағларини банк муассасаларига жалб этишда миллий валютанинг барқарорлиги ва инфляция даражаси муҳим роль ўйнашини эътироф этадилар [10]. Уларнинг фикрига кўра, миллий валютанинг барқарорлиги таъминланмаганлиги миллий валютага бўлган ишончга путур етказди ва бунинг натижасида аҳолининг банкларга миллий валютада омонат қўйишга бўлган қизиқиши пасаяди. Шунингдек, улар инфляция даражасининг юқори бўлишини ҳам аҳолининг пул маблағлари банк муассасаларига жалб этилиши йўлидаги жиддий тўсиқлардан бири сифатида эътироф этади.

Ривожланган давлатларнинг, хусусан, АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқининг қатор давлатларида жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари тижорат банклари депозит базасининг умумий ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди. Олиб борилган қатор илмий тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатдики, жисмоний

шахсларнинг муддатли омонатлари юридик шахсларнинг муддатли депозитларига нисбатан арзон ва узоқ муддатли ресурс манбаи ҳисобланади [11].

В.Боровкова ва С.Мурашовларнинг фикрича, аҳоли омонатларини банкларга жалб этишда уларга таклиф этиладиган инновацион депозит хизматлари муҳим ўрин тутати [12].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан ҳам аҳолининг ихтиёридаги вақтинчалик бўш пул маблағларини банк муассасаларига жалб этиш масаласи илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган ва тегишли илмий хулосалар шакллантирилган.

Проф. Ш.Абдуллаеванинг фикрига кўра, банк хизматларини такомиллаштириш аҳолининг пул маблағларини банк муассасаларига жалб этишнинг бирламчи зарур шarti ҳисобланади [13]. Ҳақиқатан ҳам республикада банкларида молиявий хизматларни такомиллаштириш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, инновацион хизматларни таклиф қилиш талаб даражасида эмас.

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқот давомида анализ ва синтез, аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил усулларида самарали фойдаланилган. Тадқиқотимизда қиёсий таҳлил, аналитик таҳлил йўналишлари орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинган. Муаммонинг ечимига олиб борувчи стратегик йўналишлар белгиланган.

Таҳлил ва натижалар. Статистик маълумотларга эътибор қаратсак, пул бозорида шакланган “нисбатан қатъий” пул-кредит шароитларида иқтисодиётдаги депозитлар ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларига ўтишнинг босқичма-босқич бошланиши натижасида чорак давомида миллий валютадаги муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг реал ҳисобда ортиши кузатилди.

Бунда жисмоний шахсларнинг депозитлари бўйича ўртача тортилган номинал фоиз ставкалари декабрь ойида 20,2 фоиз даражасида шакланган бўлса, юридик шахсларнинг депозитлари бўйича 15,1 фоизни ташкил этди (1-расм). Миллий валютадаги муддатли депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари (инфляция даражасини инобатга олиб ҳисоблаганда) декабрь ойида жисмоний шахслар бўйича 9,3 фоиз ва юридик шахслар бўйича 4,7 фоиз даражасида шаклланди. Аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича реал фоиз ставкалари уларнинг инфляцион кутилмаларига нисбатан 4-5 фоиз бандга юқори шаклланди, бу ўз навбатида, жамғариш фаоллигини оширувчи ва ялпи истеъмолни мувозанатлаштирувчи асосий омиллардан ҳисобланади.



1-расм. Миллий валютадаги муддатли депозитлар бўйича номинал фоиз ставкалари [14]

Чорак давомида миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ҳам мувоzanатлашуви кузатилиб, йил бошидан кузатилаётган 20-22 фоизлик коридор доирасида бўлди. Хусусан, декабрь ойида миллий валютадаги қис-

қа муддатли кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари 21,2 фоизни ва узоқ муддатли кредитлар бўйича 20,5 фоизни ташкил этди.



2-расм. Миллий валютадаги муддатли депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари [14]

2021 йил IV чоракда умумий пул массаси 13,6 фоизга кўпайиб, 140,2 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда чорак давомида муомаладаги нақд пуллар ҳажми 28,7 трлн. сўм миқдориде деярли ўзгаришсиз сақланиб қолган бўлиб, унинг жами пул массасидаги улуши 2,8 фоиз бандга (23,2 фоиздан 20,4 фоизгача) қисқарди (3-расм).

Умуман, 2021 йилда миллий валютадаги депозитлар 37,3 фоизга ёки 18 трлн. сўмга, хорижий валютадаги депозитлар эса 31,5 фоизга (10,9 трлн. сўм эквивалентига) ошди.

Жисмоний шахсларнинг жами депозитларида сезиларли ўсиш динамикаси кузатишган бўлиб, бу асосан миллий валютадаги депозитларнинг ортиши ҳисобига юзага келди. Хусусан, IV чоракда аҳолининг банклардаги жами депозитлари 13,4 фоизга ортиб, 36,6 трлн. сўмга етган бўлса, бунда миллий валютадаги депозитлар 17,4 фоизга (3,7 трлн. сўмга) ва хорижий валютадаги депозитлар 5,7 фоизга (0,6 трлн. сўм эквивалентига) кўпайди.



3-расм. Пул массаси ва унинг компонентлари ўзгариши (трлн. сўм) [14]

Умуман олганда, 2021 йилда жисмоний шахсларнинг жами депозитлари 35,2 фоизга (9,5 трлн. сўм) ошиб, аҳоли реал даромадларининг ошиб бориши тенденцияларига мутаносиб тарзда ўзгариб бормоқда.

Миллий валютадаги депозитлар бўйича шакланган жорий реал фоиз ставкалари ва валюта алмашув курсининг жорий барқарор динамикаси шароитида келгуси чорақларда ҳам

аҳоли миллий валютадаги депозитларининг юқори ўсиш динамикаси сақланиб қолиши кутилмоқда. 2021 йилнинг IV чорагида иқтисодиётда кредит қўйилмалари қолдиғи 4,6 фоизга (14,7 трлн. сўм) кўпайиб, 331,9 трлн. сўмга етди.

Бунда кредит қўйилмаларининг йиллик ўсиш суръати 18,4 фоизни ташкил этиб, 2020 йилги кўрсаткичдан қарийб 2 баробарга паст бўлди.



4-расм. Аҳоли депозитларининг ўзгариши (трлн. сўм) [14]

Маълумотлардан кўринадики, таҳлил қилинган давр мобайнида республикамиз тижорат банклари депозитлари умумий ҳажмида трансакцион депозитларнинг салмоғи юқориликча қолди. 2020 йилда ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси 59,45 фоизни ташкил қилди. Бу эса республикамиз тижорат банклари депозит база-

сининг етарли эмаслигидан далолат беради. Чунки тижорат банклари депозит базаси етарли бўлиши учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан ошмаслиги зарур. 2015-2021 йилларда муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган.

BANK ISHI

Ушбу тенденциянинг юзага келиши мазкур давр мобайнида трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг камайиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади ва пировард натижада республикамиз тижорат банклари депозит базасининг ҳолати ёмонлашаётганлигидан далолат беради. 2015-2020 йилларда республикамиз тижорат банклари депозитлари умумий ҳажмида жамғарма депозитлари салмоғи кичиклигича қолган. Ушбу ҳолат тижорат банклари пул маблағларини жамғарма депозит ҳисобрақамларига жалб қилиш операциялари ривожланмаганлигидан далолат беради. Муддатли ва жамғарма депозитлари халқаро банк амалиётида тижорат банклари ресурсларининг асосий қисмини таш-

кил этади. АҚШ ва Ғарбий Европа тижорат банкларида муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 60 фоиздан ошади [15].

Барчамизга маълумки, банк депозит операциялари билан бирга нодепозит операцияларини ҳам амалга оширади. Булардан асосийлари сифатида банкларнинг қимматли қоғозлар эмиссия қилиш орқали ресурслар жалб қилишни эътироф этишимиз мумкин.

Тижорат банклари ресурс базасини барқарор манбалар ҳисобидан янада кенгайтириб бориш мақсадида банклар томонидан узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини муомалага чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

1-жадвал

2020 йил 1 январь ҳолатига республикамиз тижорат банклари депозитлари ҳажми [16]

(млрд. сўм)

№	Банклар номи	Жами депозитлар	Улуши, %
1.	Миллий банк	10 103 574,00	23,83 %
2.	Асака банк	5 968 708,80	14,08 %
3.	Халқ банки	3 583 829,40	8,45 %
4.	Ҳамкорбанк	2 795 504,70	6,59 %
5.	Ипотекабанк	2 675 239,30	6,31 %
6.	Ўзсаноатқурилишбанк	2 286 158,30	5,39 %
7.	УзКДБ банки	2 246 308,90	5,30 %
8.	Агробанк	1 893 317,60	4,47 %
9.	Капиталбанк	1 782 913,00	4,21 %
10.	Ипак йўли банки	1 217 983,20	2,87 %
11.	Траст банк	1 147 232,20	2,71 %
12.	Қишлоқ қурилиш банк	1 101 097,90	2,60 %
13.	Микрокредитбанк	950 421,40	2,24 %
14.	Алоқабанк	919 811,30	2,17 %
15.	“Orient Finance Bank”	805 375,80	1,90 %
16.	“Asia Alliance Bank”	697 141,30	1,64 %
17.	“InFinBank”	650 335,60	1,53 %
18.	Турон банк	543 854,60	1,28 %
19.	Савдогарбанк	333 505,80	0,79 %
20.	Давр банк	233 369,20	0,55 %
21.	Равнақ банк	171 132,7	0,40 %
22.	Универсалбанк	91 891,50	0,22 %
23.	УТ банк	89 588,40	0,21 %
24.	Туркистон	80 736,90	0,19 %
25.	“Hi-Tech Bank”	13 053,50	0,03 %
26.	Эрон Содерат банк	9 465,10	0,02 %
27.	“Мадад Инвест Банк”	5 617,80	0,01 %
	Жами:	42 397 168	100,00 %

Жадвал маълумотларига кўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини банкларга жалб қилиш борасида мамлакатимиз йирик банкларининг ўрни юқори. Чунки 3 та йирик банк томонидан жами депозитларнинг 46,4 фоиздан ортиқ қисми қамраб олинган.

Бу ерда асосий улуш ТИФ “Миллий банки” ва “Асака банк” ДАТБ, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бундан ташқари 13 та банкда бу кўрсаткич паст даражада бўлиб, келажакда инвестиция фаолиятини кенгайтириш, йирик банклар билан рақобатлашиш имкониятига эга бўлиш учун бу банкларда депозитларни жалб қилишнинг кенгайтирилиши мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда амалий маълумотлар кўрсатадики, тижорат банклари депозитлари умумий ҳажмида трансакцион депозитлар салмоғи даражаси 60 фоизни ташкил қилди. Бун-

дай ҳолат республикамиз тижорат банклари депозит базасининг етарли эмаслигидан далолат беради ва уларнинг кредитлаш салоҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Чунки тижорат банклари депозит базаси етарли бўлиши учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан ошмаслиги зарур. Ўз навбатида, трансакцион депозитлар банклар учун муҳим ресурс манбаи бўла олмайди.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги кўрсатиб ўтилган маълумотлар, молиявий таҳлил бўйича депозит ҳақидаги фикрлар ва амалий талқинлар ўзига хослигига эга бўлса-да, мазкур йўналиш, яъни нафақат тижорат банклари, балки бошқа турдаги молиявий муассасаларнинг депозит стратегиялари бўйича кўрсатмалар ва амалий жиҳатлари кўрсатиб берилган. Мазкур амалий кўрсатмалар асосида қуйидаги хулосаларни келтиришимиз мумкин:

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жамғарма депозитлари миқдорини ошириш йўли билан уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

биринчидан, юридик шахсларнинг жамғарма депозитларига тўланадиган фоиз ставкаларининг ижобий даражасини таъминлаш лозим;

иккинчидан, аҳолининг жамғарма депозитлари тижорат банклари томонидан нақд пулда тўлиқ ва ўз вақтида берилишини таъминлаш лозим.

Республикамиз тижорат банкларида депозитлар барқарорлигини таъминлашга қаратил-

ган стратегияни ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун эса биринчидан, мижозларга депозит ҳисобрақамларининг жозибадорлигини ошириш имкониятини берадиган маркетингни ривожлантириш лозим; иккинчидан, депозитларнинг барқарорлик даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилиши лозим; учинчидан, банк учун депозит базасининг асосини ташкил қилувчи мижозлар гуруҳини аниқлаб олиш ва уларга комплекс депозит-ссуда хизматини таклиф қилиш лозим.

Коронавирус пандемиясига қарши карантин чораларининг жорий этилиши, шунингдек, анъанавий банк хизматлари ҳисобланган омонатларни жалб этиш ва тўловларни амалга ошириш соҳасида нафақат тижорат банклари, шунингдек, турли электрон ҳамёнлар ва виртуал валюталарни таклиф этувчи технологик компаниялар, он-лайн чакана савдо тизимлари, ижтимоий тармоқлар ўртасида рақобат курашининг кучайиб бориши шароитида замонавий ИТ технологияларга асосланган Smart-banking тизимида фаолият юритувчи банк бўлинмаларини ташкил этиш ва тармоғини кенгайтириш, шунингдек, депозит операцияларини амалга оширишда қўшимча хизматлар пакети ва мижозларга инновацион хусусиятга эга уйғунлаштирилган депозит хизматларни таклиф этиш фаолият самарадорлигини оширади ҳамда кенг жамоатчиликнинг банкларга ишончини янада мустаҳкамлайди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. 6 (766)-сон. 32-б.
2. Банковское дело. Под ред. Лаврушина О.И. – М.: Финансы и статистика, 2004. – С. 88-89.
3. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. – М.: ИПЦ «Вазар-Ферро», 1994. – С. 106-109.
4. Вайн С. Оптимизация ресурсов современного банка. Пер. с англ. – М.: Альпина аблише, 2013, с. 16.
5. Фишер И. Покупательная сила денег. Пер. с англ. – М.: Дело, 1989. С. 126.
6. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – С. 442-443.
7. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Алпина Паблишер, 2016. – С. 670-671.
8. Тавасиев А.М., Ребельский Н.М. Конкуренция в банковском секторе России. Учеб. пособие для вузов. / Под ред. А.М.Тавасиев. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. – 304 с.
9. Ольхова Р. Ресурсы коммерческого банка и его капитальная база. Банковское дело. Под ред. Проф. О.И.Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 222-223.
10. Masson P., Savastano M. The Scope for inflation Targeting in Developing Countries. – Washington: IMF Working Paper, 1997/130; Graude P., Polan M. Is Inflation Always and Everywhere a Monetary Phenomenon? Discussion Paper. №2841 CEPR. 2001. June. P. 26-29.
11. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 1997. – 464 с.; Полфреман Д., Форд Ф. Основы банковского дела. – М.: ИНФРА-М, 1996. – 624 с.
12. Боровкова В.А., Мурашов С.В. Основы теории финансов и кредитов. – СПб.: Питер, 2004. – 224 с.
13. Абдуллаева Ш.З. Банк хизматларини такомиллаштириш орқали банкларнинг ресурс базасини кенгайтириш. // Тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш, инвестицион фаоллиги ва молиявий барқарорлигини оширишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2016. – 28 б.
14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсати шарҳи. – Т., 2022 йил. <https://cbu.uz/oz/monetary-policy/reviews/593695>
15. Банковское дело. Под. ред. Лаврушина О.И. – М.: Финансы и статистика, 2004, с. 88.
16. "Аhbor-Reyting" агентлигининг таҳлилий кўрсаткичлари. 2017 йил февраль. 46-сон. – 74 б.